Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1938 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 224 (8214). ● 25 ноябрь, 1983 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига меҳнаткашлардан, партия, совет ва жамоат ташкилотларидан, корхоналар, муассасалар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг коллективларидан Совет Армияси ва Флоти жангчиларидан кўплан-кўп табрикномалар ва қутловлар олинди.

Табрикномалар партия билан халқ ўртасидаги ленинча дўстлик ва биродарликнинг, советлар мамлакати коммунистлари улуғ Ленин васиятларига содиқлигининг, совет кишилари Коммунистик партия раҳбарлигида Октябрь Ватанининг тарихий зафарларидан фахрланаётганликларининг ёрқин намойиши бўлди. Табрикномалар халқимиз ўзининг ғоявий жиҳатдан ҳақлигига ишончи комил эканлигини, ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг ўзига хос қисмида партия ўзининг XXVI съездида, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларида ўртага қўйган каттакатта вазифаларни ҳал этишда янги ютуқларга эришиш йўлида фидокорона меҳнат қилишга шай эканлигини ифода этади.

Табрикномаларда партиянинг мамлакат ичкарисидаги ва халқаро майдондаги сиёсий йўли, КПСС Марказий Комитети, унинг ўртоқ Юрий Владимирович Андропов бошчилигидаги Сиёсий бюросининг хўжалик механизмини, совет кишиларининг бахтиёр турмушини, бутун планетада мустаҳкам тинчликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб мамлакатдаги жамики ижтимоий-сиёсий муносабатларни такомиллаштириш соҳасидаги тинимсиз фаолияти батамом қўллаб-қувватланади ва астойдил маъқулланади.

Меҳнат коллективлари умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда гайрат-шижоат, ишга чинакам хўжайинларча муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатиб, шу йил план топшириқлари ва қабул қилинган мажбуриятлар муваффақиятли адо этилганлиги тўғрисида рапорт бермоқдалар. Табрикномаларда Октябрнинг олтмиш олти йиллиги меҳнат унумдорлигининг сезиларли равишда ўсиши, фан-техника тараққиётининг жадаллашиши, уюшқоқлик, интизомнинг кучайиши ҳамда барча бўғинларда ва ҳамма иш соҳаларида ҳар бир кишининг ўз партиявий ва гражданлик бурчига масъулият билан ёндашуви ошганлиги билан ишонланганлиги қайд этилади. Бу — умуман беш йилликни муваффақиятли равишда амалга оширишга, озиқ-овқат, энергетика программалари ва мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришга, совет кишиларининг фаровонлиги ва маънавий маданиятини юксалтиришга доир бошқа комплекс программалар бажарилишининг гаровидир.

Социалистик мамлакатлар, коммунистик, ишчи, революцион-демократик партиялар ва озодлик ҳаракатларининг, ҳукуматларнинг раҳбарларидан, давлат ва жамоат арбобларидан, чет мамлакатлардаги айрим гражданлардан ҳам табрикномалар олинди.

Бизнинг дўстларимиз совет халқи тарихий зафарларининг муттасил ортиб бораётган халқаро аҳамиятини, Октябрь туфайли вужудга келган янги цивилизациянинг тараққиётини, халқларнинг тинчлик ва революцион, озодлик кураши ишига СССР ғоят катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидламоқдалар. Улар совет кишиларини байрам билан муборакбод этиб, КПСС ва Совет ҳукуматининг актив ҳамда изчил йўли билан астойдил бирдам экаинликларини изҳор этмоқдалар. Бу йўл империализмнинг айби билан ғоят кескинлашган ҳозирги халқаро вазиятда инсониятни ядро ҳалокатидан халос этишга, кишиларнинг яшашга бўлган муқаддас ҳуқуқини таъминлашга, планетада барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Советлар мамлакатининг Европада ҳарбий муҳолифликнинг авж олдирилишига, империализмнинг халқлар суверенитети ва эркинлигига нисбатан тажовузларига тўсқинлик қилишга қаратилган конструктив йўли қўллаб-қувватланади. Табрикномаларда Совет Иттифоқининг интернационалистик тинчликсевар ленинча сиёсати, бутун социалистик ҳамдўстликнинг қудрати тинчлик учун, империализм ва реакцияга қарши курашчиларнинг ҳаммасини руҳлантираётганлиги қайд этилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги муносабати билан йўллаган табрикномалари ва билдирган эзгу истаклари учун барча партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар, қурилишлар, муассасалар, колхозлар ва совхозларнинг коллективларига, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, социалистик мамлакатлар, коммунистик ҳамда ишчи революцион-демократик партиялар, ҳукуматларнинг раҳбарларига, чет мамлакатлардаги давлат ва жамоат арбобларига, демократик ташкилотларга, шунингдек айрим гражданларга самимий миннатдорчилик изҳор этадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИ

КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган Янгийўл райони меҳнаткашлари бу йилги жуда оғир шароитда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга «оқ олтин» сотиш йиллик халқ хўжалик планини 24 ноябрда адо этдилар.

Тайёрлов пунктларига 31 минг 960 тонна хом ашё етказиб берилди. Ҳар гектар майдондан 32,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. 3 минг тоннага яқин юқори сифатли уруғлик пахта тайёрланди. Машина терими плани 84,5 процент бажарилди. Жами ҳосилнинг 76,9 процента биринчи сортларга қабул қилинди.

Халқ хўжалик планининг муваффақиятли бажарилишига «Коммунизм», Ленин номли, Калинин номли, «Партия XXI съезди», «СССР 60 йиллиги» колхозлари, САМИС тажриба хўжалиги коллективлари катта ҳисса қўшдилар.

Юқори ҳосил учун курашнинг олдинги сафида борган ўнлаб бригадалар коллективлари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан уддаладилар. «Коммунизм» колхозидан Хайриддин Ғуломов, Жўра Душабоев, Раҳматулла Хўжамқулов, Ленин номли колхоздан Нуъмон Зонрхўжаев, Хилватилла Йўлчиев, «СССР 60 йиллиги» колхозидан Салоҳиддин Фахриддинов, «Партия XXI съезди» колхозидан Эргашбой Мирзаев, Калинин номли колхоздан Тошканбой Тўхтаев, Тожихон Ҳамробекова ва бошқа кўплаб тажрибали пахтакорлар раҳбарлик қилаётган бригадалардa ҳар гектар майдондан 37—43 центнердан хирмон кўтарилди.

Янгийўл шаҳрининг ишчи-хизматчилари, студент ва ўқувчилари, шуниигдек Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ҳам янгийўллик пахтакорларга катта амалий ёрдам кўрсатдилар.

Район хўжаликларида ҳосил йиғим-терими давом этяпти.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларн сотиш юзасидан беш йилликнинг учинчи йили халқ хўжалик планларини ҳам муваффақиятли бажардилар. Жумладан, дон сотиш плани 106,3 процент, мева сотиш — 117,8 процент, узум сотиш — 106,9 процент, сабзавот сотиш — 101,4 процент, полиз маҳсулотлари сотиш — 100,6 процент, жун сотиш 126,9 процент, пилла сотиш — 122,1 процент, сут сотиш — 101,4 процент адо этилди. Бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳам ўтган йилдагига нисбатан жадал давом этмоқда.

(Янгийўллик пахтакорларнинг меҳнат ғалабасига бағишланган материаллар газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ЖАМБУЛЛИКЛАР ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛИШДИ

● **БЎКА. Мавсум бошидан бери пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан жадал суръатларда олиб бораётган Жамбул номли колхоз механизаторлари яна бир ғалабани қўлга киритдилар. Ҳар гектар майдондан 34,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, она-Ватанга 2905 тонна «оқ олтин» етказиб берилди ва зиммага олинган социалистик мажбурият муваффақият билан адо этилди.**

Усмон Раҳмонов, Берди Соҳибов, Дусейнбой Тўлаганов, Нормамат Назаровлар сингари тажрибали пахтакорлар раҳбарлик қилаётган бригадалар колхоз хирмонига, айниқса, баракали ҳисса қўшдилар. Бу бригадаларда ҳосилдорлик 35—40 центнерни ташкил этди.

«Занғоғи кема»ларини кейинги пайтларда кўсак терадиган ва чувийдиган механизмлар билан алмаштирган Эргаш Азимов, Карим Сафоев, Шойинқул Эргашев, Расул Эрназаров каби механизаторлар социалистик мажбуриятнинг ҳам муваффақиятли бажарилишида ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Уларнинг ҳар бири ўз машиналари билан мавсумда 150—165 тоннадан пахта териб бершди.

Айни кунларда колхозда далаларни ҳосилдан тозалаб, кузги шудгорга тайёрлаш ишлари қизғин олиб бориляпти.

«ПЕДАГОГ-83» РАПОРТ БЕРДИ

● ПИСКЕНТ. Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари халқ хўжалик планини ҳам, социалистик мажбуриятларини ҳам районда биринчилар қатори бажарган эдилар. Бунда Олмалиқ шаҳрининг халқ маорифи ходимларидан тузилган ҳашарчиларнинг ҳам салмоқли улушлари бор. Жумладан, ёш педагоглардан тузилган «Педагог-83» отрядининг 30 нафар аъзоси, айниқса, баракали ёрдам кўрсатдилар. Улар мавсум давомида 60 тонна пахта териб бериш юзасидан олган мажбуриятларини ортиғи билан адо этишди. Отрядниг 65 тонналик хирмонига Э. Турғунов, Ч. Петухов, Х. Исомова, С. Аҳмедова сингари ҳашарчилар икки-уч тонна пахталари билан ҳисса қўшдилар.

КУННИ ТУНГА УЛАБ

● **ЎРТА ЧИРЧИҚ. Далалардан йиғиштириб олинаётган ҳосилнинг сўнгги тонналари қуритилиб, тозаланиб давлатга пешма-пеш етказиб берилаётир. Шу кунларда Тўйтепа, Қорасув, Кучлик, Чиғириқ пахта пунктларида ўзаро социалистик мусобақа қизғин авж олдириб юборилган.**

Тўйтепа пахта пункти коллективи социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётир. Пункт ходимлари ҳар сменада 20 тонна пахтани қуритиб, тозалашга муваффақ бўлмоқдалар. Оператор Ҳаким Тўраҳўжаев, юкловчи Исмоил Раимбердиевлар смена топшириқларини 1,5—2 ҳисса бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

КЕЛГУСИ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

● **КОММУНИСТИК. «Ёз ҳаракати куздан» деган нақлга қатъий амал қилаётган район меҳнаткашлари йиғим-теримни давом эттириш билан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратиш чораларини кўришга киришмоқдалар. Ҳужаликларда пахта майдонларн бир четдан ҳосилдан тозаламоқда.**

Ўтган куни район далаларида жами 15 минг 452 киши қўл теримида иштирок этди. Уларнинг кучи билан 30 тоннага яқин ҳосил йиғиштириб олинди. Бу соҳада «Ленинский путь» колхози коллективи пешқадамлик қилаётир.

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 24 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

БЎКА	0,12	110,54	—	106,52
КОММУНИСТИК	0,08	109,02	—	110,19
БЕКОБОД	0,13	105,30	—	75,55
ОҚҚЎРҒОН	0,15	105,15	0,20	108,76
ПИСКЕНТ	0,07	103,20	—	70,06
ЧИНОЗ	0,20	103,05	0,24	79,17
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,05	102,76	—	85,68
Янгийўл	0,55	99,76	0,83	84,26
Ғалаба	0,19	93,05	0,03	69,35
Область бўйича:	0,15	103,52	0,11	87,60

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. А. ЛЯХОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют — 7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ давом этган космик учишни муваффақиятли равишда амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Владимир Афанасьевич **Ляхов** Ленин ордени ва **иккинчи «Олтин юлдуз»** медали билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ В. А. Ляховнинг жасоратини нишонлаш юзасидан қаҳрамоннинг юртида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1983 йил, 23 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ УЧУВЧИ ЎРТОҚ А. П. АЛЕКСАНДРОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют — 7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ давом этган космик учишни муваффақиятли равишда амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун барча партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар, қурилишлар, муассасалар, колхозлар ва совхозларнинг коллективларига, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, социалистик мамлакатлар, коммунистик ҳамда ишчи революцион-демократик партиялар, ҳукуматларнинг раҳбарларига, чет мамлакатлардаги давлат ва жамоат арбобларига, демократик ташкилотларга, шунингдек айрим гражданларга самимий миннатдорчилик изҳор этадилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1983 йил 23 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. П. АЛЕКСАНДРОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют — 7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни амалга оширганлиги учун ўртоқ Александр Павлович **Александровга «СССР космонавт-учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1983 йил 23 ноябрь.

150 КУНЛИК УЧИШ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАДИ

КОСМОНАВТЛАР ВЛАДИМИР ЛЯХОВ ВА АЛЕКСАНДР АЛЕКСАНДРОВ ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР

ТАСС АХБОРОТИ

Космонавт ўртоқлар Владимир Афанасьевич Ляхов билан Александр Павлович Александров «Салют—7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида 150 кунлик учиш программасини муваффақият билан тугатиб, 1983 йил 23 ноябрь куни Москва вақти билан соат 22 дан 58 минут ўтганда ерга қайтиб тушдилар.

«Союз Т—9» кемасининг туширилувчи аппарати Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган райони — Жезқазған шаҳридан 160 километр Шарқда ерга қўнди. Космонавтлар қўнишдан кейин ҳам ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Экипаж узоқ учиш мобайнида кўпдан-кўп илмий-техник ва медицина-биологик тадқиқотлар ҳамда экспериментларни бажарди.

Экипажнинг иш программасида илм-фан ва мамлакат халқ хўжалигининг манфаатлари йўлидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган геофизик тадқиқотларга катта ўрин берилди. Ернинг табиий ресурслари, атмосферанинг ҳолати, далалардаги мавсумий ўзгаришлар, дунё океанининг биологик маҳсулдорлиги тўғрисида кўп статистик материал тўпланди.

Космик материалшуносликка доир программасига доир янги тадқиқотлар бажарилди. «Кристалл» установкасида характеристикалари яхшиланган ярим ўтказгич материал намуналари олинди, «Пион» аппаратининг ёрдами билан эса орбитал учиш шароитларида физик жараёнларнинг хусусиятларини ўрганишга доир бир қанча экспериментлар бажарилди. Бевосита станция ичида «Электротопограф» приборидан фойдаланиб, очиқ космос таъсиридан кейин конструкцион материалларнинг ҳолати тадқиқ этилди. «Таврия» биотехнологик установкаси воситасида вазнсизлик шароитларида алоҳида соф оқсил препарат олишга доир муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган эксперимент лар ўтказилди.

«Салют—7» станциясида космик учиш шароитларида олий ўсимликларни ўстириш технологиясини пишиқтиришни мақсад қилиб қўйган биологин экспериментлар давом эттирилди.

«Салют—7» станциясининг ташқи юзида мураккаб монтаж ишларини бажариш экипаж учиш программасининг муҳим қисми бўлди. Ляхов ва Александров ўртоқлар очиқ космосга икки марта чиқиш пайтида (бу чиқишларнинг жами давомати беш соату 45 минутга борди) станция электр таъминот системаси қувватини ошириш ҳамда очиқ космик фазода монтаж-йиғув ишларини бажариш методларини янада пишиқтириш мақсадида станцияга қўшимча қуёш батареяларини ўрнатдилар. Шу ноёб экспериментнинг амалга оширилиши кишн бошқарадиган узоқ муддатли орбитал комплексларни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда янги-янги истиқболлар очиб беради.

Узоқ давом этган экспедиция мобайнида экипаж муттасил медицина текширувларидан ўтказилиб турди. Шунда олинган янги маълумотлар вазнсизлик шароитларида, шу жумладан очиқ космос шароитларида инсоннинг актив фаолиятда бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди ва кишн бошқарадиган станцияларда космонавтлар ишлаши ва ҳордиқ чиқаришнинг энг мақбул режаларини белгилаб олишда шу маълумотлардан фойдаланилади. Профилактик медицина тадбирлари комплекси Владимир Ляхов ва Александр Александровда юксак ишчанликни сақлашга ҳамда уларнинг соғлиги яхши бўлишига имкон берди.

Орбитал комплексларни бошқариш методларнни пишиқтириш мақсадида анчагина техник экспериментлар бажарилди, келгуси космик аппаратларнинг янги приборлари ва ускуналари синовдан ўтказилди.

Космонавтларнинг ишлаши учун зарур жамики асбоб-ускуна, аппарат ва ишлатиладиган материалларни «Космос—1443» йўлдош кемаси билан «Прогресс—17» ва «Прогресс—18» автомат юк кемалари станцияга элтди. Экипаж станцияда бажарган тадқиқот натижаларидан иборат материаллар «Космос—1443» йўлдош кемасининг ерга қайтиб тушадиган аппаратида, шунингдек кишн бошқарадиган «Союз Т—9» кемасида ерга келтирилди.

«Салют—7» станциясида навбатдаги экспедиция учиш программасининг муваффақиятли амалга оширилишига кўпгина илмий коллективлар, конструкторлик ва ишлаб чиқариш коллективларининг, экипажнинг, космодром, космонавтларни тайёрлаш марказидаги, учишни бошқариш марказидаги, команда-ўлчов ва қидирув-қутқарув комплексларидаги инженерлар, техниклар, ишчилар, мутахассисларнинг барча коллективлар ҳамда ташкилотларни қизғин табриклаймиз.

Азиз ўртоқлар! Ватанимиз космонавтикасининг янги муваффақияти КПСС XXVI съезди космик фазони фан ва халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам ўрганиш ва ўзлаштириш соҳасида ўртага қўйган ўн биринчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб, Совет фани ва техникаси фан-техника тараққиётининг илғор марраларида турганлигининг ёрқин далилидир.

Азиз ўртоқлар, мураккаб қосмик техникани яратиш, илмий вазифалар ва халқ хўжалик вазифаларини бажариш учун мўлжалланган кишн бошқарадиган орбитал комплексларни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришдан иборат фахрли ва масъулиятли ишларингизда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

«САЛЮТ-7»—«СОЮЗ» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИНИНГ КОСМОСДА УЗОҚ ВАҚТ УЧИШИНИ ТАЙЁРЛАШДА ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР, КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА, КОСМОНАВТЛАР ВЛАДИМИР АФАНАСЬЕВИЧ ЛЯХОВГА, АЛЕКСАНДР ПАВЛОВИЧ АЛЕКСАНДРОВГА

Азиз ўртоқлар!

Совет фани ва техникаси космик фазони тинчлик мақсадларида планли равишда ўзлаштириш соҳасида яна бир ажойиб ғалабага эришди. Совет космонавтлари Владимир Афанасьевич Ляхов билан Александр Павлович Александровнинг «Салют—7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексидаги 150 кунлик учиш программаси муваффақиятли равишда тугалланди.

Учиш давомида экипаж муҳим илмий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган катта ҳажмдаги илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларни бажарди. Мамлакатимиз табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф муҳитни ўрганиш программасига доир кенг кўламдаги маълумотлар олинди. Келгусида космосда янги материаллар ва шифобахш препаратлар ишлаб чиқаришга асос солувчи технология жараёнлари ҳамда қурилмалари ишлаб чиқилди ва синаб кўрилди.

Очиқ космосда қўшимча қуёш батареяларини ўрнатиш борасидаги мураккаб монтаж-йиғув ишлари ўтказилганлиги киши бошқарадиган учишлар практикасида принципиал янги босқичдир. Бу эса станциянинг энергетика имкониятларини анча кўпайтиради ҳамда унинг ичида ўтказиладиган илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар программасини кенгайтириш имкониятини беради.

Ўтказилган монтаж-йиғув ишлари орбитада истиқболли конструкцияларни йиғиш технологиясини янада такомиллаштириш учун катта аҳамиятга эгадир.

Мардлик ва юксак профессионал маҳорат кўрсатган экипажнинг аниқ-пухта ишлаганлиги туфайли орбитада мисли кўрилмаган монтаж операцияларини амалга ошириш мумкин бўлди.

Кенг кўламдаги илмий программа муваффақиятли бажарилганлиги кўпгина илмий, конструкторлик ва ишлаб чиқариш коллективларининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимизда яратилган космик техникадан фойдаланишнинг яхши имкониятларини намойиш этди.

Совет космонавтикаси ўзининг космосни ўзлаштиришдаги асосий йўналишини — кишн бошқарадиган мураккаб орбитал комплексларни яратишни дадил ва изчиллик билан ривожлантириб бормоқда. Ана шундай комплекслар улардан узоқ вақт фойдаланиш чоғида ҳал этилаётган вазифаларнинг характерига қараб такомиллаштирилиши ва реконструкция қилиниши мумкин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети космосда узоқ вақт учиш программаси аъло даражада бажарилганлиги билан Владимир Афанасьевич Ляховни ва Александр Павлович Александровни самимий қутлайдилар.

«Салют — 7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ вақт давом этган кишн бошқарадиган учишни амалга оширишда қатнашган олимларни, конструкторларни, космодромдаги, космонавтларни тайёрлаш марказидаги, учишни бошқариш марказидаги, команда-ўлчов ва қидирув-қутқарув комплексларидаги инженерлар, техниклар, ишчилар, мутахассисларнинг барча коллективлар ҳамда ташкилотларни қизғин табриклаймиз.

Азиз ўртоқлар! Ватанимиз космонавтикасининг янги муваффақияти КПСС XXVI съезди космик фазони фан ва халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам ўрганиш ва ўзлаштириш соҳасида ўртага қўйган ўн биринчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб, Совет фани ва техникаси фан-техника тараққиётининг илғор марраларида турганлигининг ёрқин далилидир.

Азиз ўртоқлар, мураккаб қосмик техникани яратиш, илмий вазифалар ва халқ хўжалик вазифаларини бажариш учун мўлжалланган кишн бошқарадиган орбитал комплексларни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришдан иборат фахрли ва масъулиятли ишларингизда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИ ХИЗМАТИДА

ҲАММА ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН

БЎКА районн пахтакорларига яқиндан ёрдам бераётган оржоникидзелик ҳашарчилар орасида Киров номли матлубот жамияти ишчи-хизматчиларидан тузилган 30 кишилик бригада ҳам бор. Абдуғани Абдуллаев етакчилик қилаётган бу ҳашарчилар коллективи «Партия XX съезди» колхози далаларида меҳнат қилишяпти. Шу кунгача улар 40 тоннадан ортиқ пахта териш-ди. Маҳамаджон Дадажонов, Шуҳрат Акромов, Ботир Пўлатов, Ғайрат Абдураҳимов, Хусния Абдуллаева ва Малика Орипова сингари ҳашарчилар кунлик нормаларини ортиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

— Ҳашарчиларнинг унумли ишлашлари, уларнинг бўш пайтларида кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароит яратиб берганмиз, — дейди матлубот жамияти раиси Пўлат Мавлонхўжаев. — Улардан ҳар уч кунда хабар олиб турилади. Радио, телевизор, шахмат-шашкалар улар ихтиёрига топширилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари эса ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Теримчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилган. Мусобақа илғорларини рағбатлантириш учун эса 300 сўмлик қимматбаҳо совғалар ажратилган.

Булардан ташқари матлубот жамиятининг шофёр-сотувчиси Маҳмуд Раҳматуллаев бошқараётган автолавка ҳам бўкалик пахтакорлар ва Оржоникидзе районидан борган ҳашарчиларга белгиланган графиклар асосида хизмат кўрсатяпти. Автолавкадан харидорлар озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, саноат молларигача сотиб олишлари мумкин бўляпти. Ҳозиргача ана шу йўл билан меҳнаткашларга 10 минг сўмликка яқин савдо хизмати кўрсатилди.

— Умуман дала меҳнаткашларининг қимматли вақтларини тежаб, уларга бевосита дала ва фермаларда хизмат кўрсатишни янада яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди жамият раиси. — Сабзавот йиғим-терими даврида ҳам районимиздаги «Маданият», «Коммунист» ва «Октябрь» колхозлари дала шийпонларида 10 га яқин сотувчисиз дўконлар ишлаб турди. Битта автолавка эса график асосида деҳқонларга хизмат кўрсатди. Бу даврда 50 минг сўмлик маҳсулот фақат ана шу йўл билан реализация қилинди.

Матлубот жамияти томонидан истеъмолдан ортиқча гўшт ва сут маҳсулотларини давлатга топшираётган шахсий хўжалик эгаларига харидоргир моллар билан савдо қилиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунгача Куйбишев ва Чинобод қишлоқ Советлари орқали бундай кишиларга 30 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Айни кунларда эса қишлоқ даврида фермалар, теплица хўжаликларида ишловчилар ҳузурида савдо-сотиқни ташкил этиш графиги ишлаб чиқилди. Бу вақтда харидорларга 60 минг сўмлик турли моллар реализация қилинади. Бундан ташқари илғор молбоқарлар, соғувчиларни рағбатлантириш учун 200 тадан зиёд харидоргир моллардан иборат совғалар тайёрланди.

Меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилаётган матлубот жамияти ишчи-хизматчилари ўн ойлик чакана савдо оборотн планини ҳам оширнб бажаришди. Аҳолига пландан ташқари 68 минг сўмлик саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари сотилди. Шунингдек, аҳоли истеъмолидан ортган 10 минг тонна сабзавот маҳсулотлари қабул қилинди ва тайёрланди. Бу соҳадаги план 115 процентга уддаланди.

Айни кунларда матлубот жамиятида пахта йиғим-теримида актив иштирок этган район ҳашарчиларини тақдирлаш учун харидоргир моллардан жами 10 минг сўмлик 150 та совғалар тайёрланди. Албатта, бундай совғалардан пахта йиғим-теримн мавсумининг охирига ча ўз ўрнларини далада деб билаётган мазкур коллектив аъзолари ҳам тақдирланадилар.

Қ. ГУЛОМОВ.



МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилиб, «Қаҳрамон она» ордени топширилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Оғабекова Кенжагул — ишчи, Ғалаба райони.

Ашурова Анорхон — уй бекаси, Оржоникидзе райони.

Баҳодирова Ҳалима — уй бекаси, Оҳангарон шаҳри.

Баҳодирова Шарифа — ишчи, Оққўрғон райони.

Беканова Гулсара — уй бекаси, Чиноз райони.

Бердиқулова Қарсигул — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Бувахонова Ибодат Эргашевна — ишчи, Тошкент райони.

Ғозибекова Ҳанифа — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Илёсова Жумагул — ишчи, Ғалаба райони.

Кенжаева Каромат — уй бекаси, Ўрта Чирчиқ райони.

Назарматова Шариниса — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Номозова Ўғилбуш — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Сайдуллаева Ортиқ — уй бекаси, Ғалаба райони.

Сулаймонова Минсулу — уй бекаси, Оҳангарон райони.

Тошматова Ашурмо — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Турсунбоева Пайшангул — уй бекаси, Оҳангарон райони.

Ҳалилова Мелихон — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Ҳамроқулова Ойшабуви — уй бекаси, Янгийўл райони.

Чалашева Реган — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Шодиева Изат — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
17 ноябрь 1983 йил.

● **ТОШКЕНТ экскаватор заводида «ЭО-3221» моделдаги янги экскаватор ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу машина қишлоқ хўжалигида ва қурилишда кенг қўлланилади. Экскаватор аввалги моделлардан бир ярим баравар серунум бўлиб, турли шароитларда бирдек ишлайверади.**

Суратда: янги экскаваторни йиғишда қатнашган эксперименталь цех группаси аъзоларидан (чапдан ўнгга) йиғувчи слесарь Борис Ломакин, слесарь Анатолий Наумов, участка мастери Садриддин Шайхов, слесарь Николай Шеремецкийларни кўриб турибсиз.

В. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).

НАЗОРАТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЧАРЧАШ НИМА БИЛМАЙДИ

— Коля, келдингми, хайрият, — Надежда Фёдоровна остонада кулимсираб турган эрининг ҳорғин чеҳрасига нигоҳ ташлар экан, беҳолгина деворга суянди. — Ёшинг бир жойга борганда ҳам тиним билмайсан-а, одамларга ўхшаб дам олсанг-чи. Ахир, икки кундан буён кутавериб кўзим тўрт бўлди-ку.

— Кўп хафа бўлаверма, азизим. — Николай Григорьевич мулойимлик билан умр йўлдошининг елкасига қўл ташлади. — Ўзинг биласанку, ҳозир ҳамма пахта ташвишида. Сирдарё областида ҳашарда қатнашаётган студентларимиз ҳузурида бўлиб, текширишга ўтказдик...

Ўша кун арафасида бўлиб ўтган университет халқ контроли группасининг навбатдаги йиғилишида Николай Григорьевич талабаларнинг йиғим-терим мавсумида қандай қатнашаётганликларини назорат қилиш масаласини ўртага ташлади. Кўпчилик бир овоздан бу фикрни маъқуллагач, махсус комиссия тузилди. Николай Григорьевич раҳбарлигидаги назоратчилар группаси икки кун давомида оталиқдаги район пахтазаводларида бўлишиб, ҳақиқий аҳвол билан муфассал танишдилар. Текширув давомида талабалар самарали меҳнат қилиб, ишдан бўш вақтларини кўнгилли ўтказишаётгани маълум бўлди. Шу билан бир қаторда сафарбарлик борасида бир мунча камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Дорилфунунда сабоқ олаётган 9372 ёшлардан атиги 5496 нафари теримда иштирок этаётган эди. Айниқса, ҳуқуқшунослик, шарқ, химия факультетларидаги аҳвол ташвишли эди.

Текширувдан сўнг ректорат дарҳол назоратчилар пайқаган камчиликларга барҳам бериш тадбирларини белгилади. Барча факультетларда сафарбарлик ишлари партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг қатъий назорати остига олинди. Қайта текшириш жараёнида бу нуқсонлар тузатилганлиги маълум бўлди.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети халқ контроли группаси раисининг муовини Н. Г. Цапенко бир қарашда 83 ёшли кексага ҳечам ўхшамайди. Қолаверса, унинг ўзи ҳам қариликка тутқич беришни хаёлига келтиргайди.

— Биласизми, аслида украиналикман-да, ўзимни ўзбек фарзандидек ҳисоблайман, — дейди у. — Ахир оз эмас, салкам 65 йилдан буён Тошкентда яшайман. Кўз ўнгимда шаҳар ўсди-улғайди. Бунда озми-кўпми менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Дарвоқе, устоз фахрланса арзигудек ҳаёт йўлини босиб ўтди. У 54 йилдан буён Коммунистик партия сафида.

— Халқ ишончини қозонган киши ҳеч қачон тиним билмас экан, — дейди университет халқ контроли группасининг раиси А. Ш. Шомақсудов. — Николай Григорьевич ҳозир ҳам талабаларга билим бермоқда. Шу билан бир қаторда салкам 10 йилдан буён халқ контроли группамизнинг фаол аъзоси, 250 дан ортиқ назоратчиларимизнинг доно маслаҳатчиси, ғамхўр устозидир. Унинг ёрдамида университетда таълим-тарбия, илмий, оммавий-сиёсий ишлар соҳасидаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиб боряпмиз.

Университет халқ контроли группаси СССР халқ контроли қомитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланишида Николай Григорьевичга ўхшаш активларнинг катта хизматлари бор.

А. ҲАЙДАРОВ.

НОНПАЗЛАРГА АТАЛГАН МАШИНА

«ТАШКЕНТХЛЕБ» бирлашмасининг 1-заводида монтаж қилинган янги машина бирин-кетин баббаравар хамир узмоқда. Ҳар секундда битта зувала тайёр. Нонпаз нима ёпмоқчи эканлигига қараб машина зувалани 50 граммли булочка ёки бир килограммли буханкага мослаб узадиган қилиш мумкин.

«Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси хамир узадиган шундай машиналарни ишлаб чиқаришга киришди. Янгилик саноат синовларидан муваффақиятли ўтди.

«Ўзбектекстильмаш» коллективи нон заводларига аталган машина ишлаб чиқаришни ўзлаштириб саноатнинг мажбуриятнинг муҳим бандини бажарди. Машинасозлар йил охиригача мамлакатнинг нон заводларига 200 та шундай агрегат юборишни мўлжаллаб қўйдилар. Москва, Горький, Олма-ота, Душанбе ва бошқа шаҳарлардан шу машиналарга буюртмалар келди. Келгусида йилига 1200 дона шундай машина ишлаб чиқариш мўлжалланади.

(ЎзТАГ мухбири).

ИСТЕЪМОЛДАН ОРТИҒИ — ДАВЛАТГА

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Северний маяк» колхозининг Николай Югай бошлиқ бригадаси аъзолари ўзларида ёрдамчи хўжалик ташкил этишган.

— Ўтган йили бригадамизда ўн бош қўй боққан эдик, — дейди бригадир. — Бу мавсумда эса ёрдамчи хўжалигимизни янада кенгайтирдик. Истеъмолдан ортиқча гўштни давлатга топширдик. Ҳозирги кунда икки бош қорамол ва икки бош бузоқни парваришлаяпмиз.

Бригада аъзоси Қўчқор Сафарқулов доимо моллар парвариши билан банд бўлаяпти. Бригада аъзолари эса молларга озуқа жамғариш ишларида унга яқиндан кўмаклашишаяпти. Сигирлар яхши парвариш қилинаётганлиги туфайли ҳозирда уларнинг ҳар биридан кунига 8—10 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинмоқда.

Коллектив аъзолари моллари қишловдан соғлом олиб чиқиш чора-тадбирларини ҳам кўриб қўйишган.

С. АБДУЛЛАЕВ.

СОЦИАЛИСТИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ходимларнинг ўз меҳнатининг натижаларидан моддий манфаатдорлиги ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини оширишнинг тобора таъсирчан кучига айланиб бормоқда. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституциясининг 14-моддасида шундай дейилади: «Ижтимоий-фойдали меҳнат ва унинг натижалари кишининг жамиятдаги мавқеини белгилайди. Давлат моддий ва маънавий стимулларни уйғунлаштириб, новаторликни, ишга ижодий муносабатни рағбатлантириб, меҳнатни ҳар бир совет кишисининг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлантиришга ёрдам беради».

Жамиятимизнинг Асосий Қонунида моддий манфаатдорликнинг қайд этилиши ривожланган социализмда унинг аҳамияти ортиб боришини кўрсатувчи мисолдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов партия Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида сўзлаган нутқида социалистик жамиятимизда меҳнатга қараб иш ҳақи тўлаш, моддий неъматларни тақсимлаш ва моддий манфаатдорлик принципларига қатъий риоя қилиб бориш кераклигини кўрсатиб ўтди. Ўртоқ Ю. В. Андропов «...жамиятнинг тараққиёти социализм туб принципларини билан, шу жумладан, албатта, меҳнатга қараб тақсимлаш принципи билан тартибга солиниши керак», деб уқтирди.

Бундан меҳнатга қараб тақсимлаш шахсий манфаатдорликни амалга ошириш йўли — жамиятда яратилган моддий неъматларга эгалик қила олиш ҳуқуқидир, деган хулоса чиқариш мумкин. Киши қанча кўп ишласа, меҳнат натижалари унумли ва сифатли бўлса, ундан шунчалик кўпроқ манфаатдор бўлади. Ҳар бир ходим у қандай соҳада ишлашидан қатъий назар, топширилган ишга нисбатан ижодий муносабатда бўлишга сабот билан эришиши зарурдир.

Киши меҳнатга онгли ва ижодий ёндошиши лозим. Бусиз меҳнатда тартиб ўрнатиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш-техника потенциалидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мумкин эмас. Шу боисдан ҳам КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида инсонни меҳнатсеварлик, ғоявий-сиёсий, маънавий поклик руҳида тарбиялаш, иқтисодий тафаккурнинг янги типини шакллантириш, интизомни, тартибни, уюшқоқлик ва масъулиятни сезишни мустаҳкамлаш — хўжалик проблемаларини ҳам, шунингдек, социал-сиёсий ва идеологик проблемаларни ҳам ҳал қилишда биринчи ўринга қўйилди.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омили уни интенсивлаштиришдир. Ижтимоий ишлаб чиқариш шароитида содир бўладиган ўзгаришлар хўжалик юритишнинг экстенсив методларидан интенсив методларига ўтишни жадаллаштиришни талаб қилади. Бу шунинг учун ҳам зарурки, 70-йиллардан бошлаб мамлакатимизда ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшимча иш кучини жалб қилиш имкониятлари чекланиб бормоқда. Бундай шароитда корхоналарда ишлаб турган ишчилардан фойдаланиш, ички имкониятларни ишга солиш, меҳнат унумдорлигини ошириш тўғридан-тўғри моддий манфаатдорлик принципига ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги даврда моддий манфаатдорлик кўп хусусиятларни ўз ичига олувчи янги характер касб этади. Аввало ходимнинг шахсий моддий манфаатдорлиги у меҳнат қилаётган коллектив ишидан, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан манфаатдор бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир. Социалистик жамиятда ишлаб чиқарилган ҳамма нарса меҳнаткашларга ва жамиятга мансубдир.


Моддий манфаатдорлик барча меҳнаткашларни меҳнатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш, ўзларининг билим ва малакасини ошириш, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган камчиликларга барҳам бериш, машина ва ускуналардан унумли фойдаланишга рағбатлантиради. КПСС XXVI съезди материалларида кўрсатилганидек, «Бизнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш тартибимиз ҳар бир кишининг ўз меҳнати билан қўшган ҳиссасига ҳамиша ва ҳар ерда одилона ҳамда объектив баҳо берилишини таъминламоғи даркор».

Моддий манфаатдорлик омманинг революцион ташаббуси билан уйғунлаштирилган тақдирдагина ҳақиқий қудратли куч характерига эга бўлади, кишиларнинг қобилиятидан максимал фойдаланиш ва жамият манфаати йўлида ривожлантириш имконини беради. В. И. Ленин янги экономикани барпо этишнинг амалий тажрибасини умумлаштириб, ўзининг «Октябрь революциясининг тўрт йиллигига» номли докладида шундай деган эди, «...социализмга олиб борадиган мустаҳкам кўприкчаларни қурингиз, бевосита энтузиазм асосида эмас, балки буюк революция туғдирган энтузиазм ёрдами билан, шахсий манфаат асосида, шахсий манфаатдорлик асосида, ҳўжалик ҳисоби асосида қурингиз» деб таъкидлаган эди.

Ҳозирги коммунистик жамиятнинг биринчи босқичи — социализмда ҳали жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат, малакали меҳнат билан малакасиз меҳнат орасидаги тафовутлар бўлиши ҳамда ижтимоий меҳнат унумдорлиги моддий неъматларни тўла мўл-кўллигини таъминлай олмаган шароитда меҳнат кишиларнинг ҳаёт кечириш воситаси бўлар экан, уни моддий рағбатлантириб бориш талаб қилинади.

Шахсий манфаат билан ижтимоий манфаат бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Меҳнаткаш ўз меҳнати билан қанчалик кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришган бўлса, бунинг натижасидан унинг ўзи ҳам манфаатдор бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ходим жамият учун кўпроқ меҳнат қилса, у жамиятдан шунча кўпроқ олади. Бу ҳар бир киши — жамиятга, жамият — ҳар бир кишига принципидирки, у социализмда шахс билан жамиятнинг манфаатдорлигини тўғри уйғунлаштирувчи омил ҳисобланади.

Шахсий моддий манфаатдорлик ижтимоий ишлаб чиқаришни ва социалистик жамият аъзоларининг фаровонлигини оширишнинг



ДОИМ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ, ПАХТАКОРЛАР

Область касаба союзлари Совети ва область маданият бошқармасига қарашли муассасалар коллективлари пахта йиғим-теримининг дастлабки кунлариданоқ ўз ўринларини далада деб билдилар.

Мавсум давомида улар маданият уйлари, шийпонлар, клубларда ранг-баранг концертлар кўрсатишмоқда. Агитбригадалар сафидаги олимлар, мутахассисларнинг мароқли лекция ва суҳбатларини пахтакорлар зўр қизиқиш билан тинглаётирлар.

Оқшомлари эса клублар, кино-театрлар мухлислар билан гавжум бўлаётир.

Қуйидаги саҳифада пахтакорлар билан ёнма-ён туриб, областимизнинг юксак социалистик мажбуриятини бажариш ишига муносиб ҳисса қўшаётган маданият, санъат муассасалари коллективларининг ишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

ЭНГ ЯҚИН ЁРДАМЧИЛАРМИЗ

БЕПОЁН далаларда жўшқин меҳнат қилаётган кишилар маданий ҳордиқ чиқаришни ҳам истайдилар. Биров газета, журнал ёхуд китоб ўқиб дам олса, биров куй ва қўшиқ тинглагиси келади. Меҳнаткашларнинг ана шу маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида область касаба союзларининг 26 клуби, маданият уйлари ва саройлари, кутубхоналар турли районлар ҳамда хўжаликларга бириктириб қўйилган. Улар район ташкилотлари тасдиқлаган режалар асосида дала шийпонларида бадиий ҳаваскорлар ижросида концертлар кўрсатмоқдалар. Ҳозирги даврнинг актуал муаммоларига оид лекция ва суҳбатлар ўтказаётирлар.

Ҳозир областда қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни назорат қилувчи штаб ишлаб турибди. Унинг самарали тадбирлари туфайли клублар, бадиий коллективларнинг далалардаги ишлари сермазмун бўлмоқда. Бу борада, айниқса, олмалиқликлар намуна кўрсатишяпти. Улар томонидан ташкил этилган 5 та агитбригаданинг ҳар бири кунда икки-уч дала шийпонида концерт беришга улгурмоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг агитбригадалари эса Пискент районининг колхоз ва совхозларида мароқли дам олиш кечалари уюштирдилар. Масалан, «Азамат пахтакорим, сенга шон-шараф!», «Ёшларнинг меҳнат биографияси — беш йиллик йилномасига», «Ким меҳнатни севса — қадр топади» мавзуида ўтган давралар меҳнаткашларда яхши таассурот қолдирди.

Тошкент тўқимачилик, 1-уйсозлик, Бекобод цемент комбинатлари, «Ўзбекхиммаш» заводи, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналар маданият саройларининг коллективлари ҳам ўзларининг

«ҲОСИЛ—83»

ранг-баранг репертуарлари билан теримчиларни хушнуд этишмоқда.

Область шаҳарларидан далаларга отланган 42 бадиий коллектив орасида Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Бекобод металлургия заводининг маданият саройлари бадиий ҳаваскорлари хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Улар Ўрта Чирчиқ ва Бекобод районларида аниқ график асосида жуда қизиқарли программаларни намойиш этяптилар.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам область касаба союзлари Совети томонидан ташкил этилган агитавтобус далаларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун самарали тадбирларни амалга оширмоқда. Область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, «Билим» жамияти область ташкилоти, область китобсеварлар жамияти томонидан уюштирилаётган агитбригадаларни деярли ҳар куни пахтакорлар орасида кўриш мумкин. Олимлар, зиёлилар, ёзувчилар, шоирлар, юристлар, врачлардан иборат бригадалар теримчилар ҳузурида бўлиб ўз сўзлари билан уларни руҳлантирмоқдалар. Пахтакорлар Ўзбекистон амалий санъат музейининг ходими М. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология институтининг катта илмий ходими П. Матёқубов, Тошкент политехника институти ўқитувчиси Е. Шеин, фалсафа фанлари кандидати П. Хамидов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи аъзоси С. Қўқонбеков, ҳуқуқшунос В. Ковалева, врач Р. Куртбекировалар суҳбатларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Агитавтобусдаги маиший хизмат бўлинмасида «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастерлари С. Мансуров, Ю. Мушеевлар пойабзал ремонти, Ф. Исроилов сартарошлик бўйича хизмат қилмоқдалар.

Идеология фронтининг барча жангчилари каби область касаба союзлари советининг маданий муассасалари ходимлари ҳам ўзларини пахтакор деб ҳисоблайдилар. Улар теримнинг сўнгги кунларигача ўринларини далада деб билмоқдалар.

М. САФАРОВ,
область касаба союзлари Совети секретари.

КЕЙИНГИ йиллар ичида бутун мамлакатимизда маданий комплекслар ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Чунки комплекслар қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш жиҳатдан ўзини тамомила оқлади. Айтайлик, битта хўжалик клубида бўлган актёрлик кийимлари иккинчисиникида йўқ, учинчисида эса музика асбоблари етишмайди. Ана шу клублардаги анжомларни, кийим-кечакларни марказлаштириш орқали меҳнаткашларга кўпроқ ва самаралироқ хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Бизнинг комплексимиз 1979 йилда ташкил этилди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози территориясида мавжуд бўлган барча клублар, кутубхоналар, дала шийпонлари, музика мактаби, стадионлар, меҳнат ва жанговар шуҳрат музейи қайси ташкилотга қарашидан қатъий назар маданий комплексни бошқарувчи координация совети тузмига топширилди.

МАДАНИЙ КОМПЛЕКС — ДАВР ТАЛАБИ

Координация совети ҳар бир маданият муассасасининг моддий базага бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи билан жиддий шуғулланади. Шунингдек, клублар, маданият ўчоқларида ўтадиган тематик кечалар, киносеанслар, байрам кунларига бағишлаб уюштириладиган учрашувларни назорат қилиб боради. Шу йилнинг ўзида маданий комплексимиз орқали қишлоқ хўжалик, сиёсий мавзуларда 43 та лекция ўқилди. 54 марта ташкил этилган дам олиш кечаларига эса 5 мингдан кўпроқ дала меҳнаткашларини жалб эта олдик.

Бундан ташқари, маданий комплекс бевосита бригадаларга чиқиб, концертлар кўрсатиш, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишларини уюштиришни йўлга қўйди. Комплекс ихтиёрида 88 нафар бадиий ҳаваскор бор. Улар мавсум даврида 26 бора сафарга чиқишди.

Шу кунларда маданий комплексимиз фаолияти асосан пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган. Бу мақсадда бевосита дала шийпонларида концертлар уюштириш, лекциялар билан чиқиш, суҳбатлар ўтказишни кенг йўлга қўйганмиз.

С. СУЛТОНБЕКОВ,
Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалиги партия комитетининг секретари, маданий комплекс координация совети-нинг раиси.

РАЙОНИМИЗ областда биринчи бўлиб пахта бўйича социалистик мажбуриятни бажарди. Она-Ватанга 73 минг тоннадан ошириб пахта етказиб берилди. Шу кунларда яна бир неча минг тонна «оқ олтин» топшириш иштиёқида меҳнаткашларимиз тер тўкишяпти.

Фидокорона ишларни кўриб туриб шундай хулосага келдим. Агар кишилар учун ҳамма жойда етарли шароит яратилса, уларнинг руҳи тетик, оилаларидаги фаровонлик, тўкинчилик ўз ўрнида бўлса, унумдорлик юқори бўлаверар экан. Райондаги 14 та колхоз, 2 та совхозда биз ана шу шароитни яратиб қўйганмиз.

Район партия комитети пахтакорларга маданий-маиший, медицина, савдо хизматини яхшилаш бўйича энг зарур тадбирларни белгилади. «Тез ёрдам» машиналари, автолавкалар, концерт бригадалари теримчиларга тинмай хизмат қилишди. Айниқса, биз йиғим-теримга жалб этилган ўқувчилар шароити билан кўпроқ қизиқдик. Уларни керакли жомакорлар, иссиқ пойабзал билан таъминлаб турдик.

Кимки районимизга ҳашарга чиққан бўлса улар шарчилар орасидаги мусобақа ҳам ҳар беш кунда якунланиб, илғорлар рағбатлантириб турилди. Қимматбаҳо совғалардан ташқари кишиларни маънавий руҳлантиришга, улар қилаётган меҳнатни рўёбга чиқаришга алоҳида аҳамият бердик. Ўз меҳнатлари билан енгил машинага, уй-рўзғор учун зарур бўлган анжомларга мукофот тариқасида сазовор бўлганлар сони ҳар йилгидан кўпайди. Ана шу ишларда барча хўжаликлар ва ташкилотлардаги касаба союз ташкилотларининг роли катта бўлди. Улар мусобақани уюштиришда, терим суръатини жадаллаштиришда янги-янги ташаббуслар билан чиқдилар. Мен бу ерда республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарган Фрунзе номли колхоз касаба союз ташкилоти, унинг раиси Т. Хошимовнинг меҳнатини алоҳида тилга олмоқчиман. Бу ташкилот Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларининг таклифини ерда қолдирмай улардан бригадалар тузди. Далада ишлаётган кексаларга зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Ана шу ташаббус райондаги барча хўжаликларда оммалашди. Натижада ветеранлар бригадалари районимизнинг катта хирмонига муносиб ҳисса қўшишди.

Ҳосилдорликни ошириш бўйича бригадаларнинг ҳаракатини йўлга қўйиш ва илғорларни рағбатлантириш тўғрисидаги ташаббус ҳам шу колхоз касаба союз ташкилотининг ижодий изланишидир. Икки йилдирки, ана шундай бригадалар фахрий мукофотларга сазовор бўлишяпти. Ўтган йили ҳосилдорликни 58 центнерга етказган бригада бошлиғи Э. Бозорбоев, колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг 500 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ўринни олган С. Сулаймонов бригадаси 400 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. «Коммунизм» колхозида эса мукофотли ўринларни белгилашда ҳосилдорлик билан биргаликда сифатга алоҳида эътибор берилди.

Бундан буён ҳам биз ўз фаолиятимизда меҳнаткашларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор бераверамиз, улар учун қулай иш шароитлари яратиб бериш юзасидан бутун чораларни кўрамиз.

Ф. АЗИМХЎЖАЕВА,
Бўка район партия комитетининг секретари.

ИШ — ЯХШИ КАЙФИЯТГА БОҒЛИҚ





● ЯНГИЙЎЛ район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари дала шийпонларида ранг-баранг концертлар, пьесалардан парчалар, цирк санъатидан намуналар кўрсатишаётир. Суратларда: маданият уйи цирк группасининг бошлиғи, Бутуниттифоқ цирк санъати конкурсининг лауреати Дарвишбек Раҳмонов ҳамда ашула ва рақс ансамблининг қўшиқчиси Мавлуда Мадаминовалар.

САНЪАТ ВА МЕҲНАТ ҲАМОҲАНГ

ТЕАТРИМИЗ артистлари республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланиб, ўзларини чинакам маънода пахтакор деб ҳис этдилар. Биз мавсум бошланиши билан Бўка ҳамда Оққўрғон райбнлари меҳнаткашлари ҳузурига ошиқдик. Фарҳод Мусажоновнинг дала фидокорларига бағишланган пьесасидан олинган парчалар асосида «Сизларга хизмат қилишдан беҳад ҳурсандмиз» мавзуида кўрсатувлар тайёрлаган эдик. Бу томошалар теримчиларга жуда маъқул бўлди. Тушки дам олиш вақтларида эса театримизнинг етакчи артистлари пахтакорлар билан суҳбатлар ўтказдилар. Гастроллар ҳақида, янги премьералар борасида уларга гапириб бердик. Биз кишлоқ оқшомларининг файзли ўтишига ҳам ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Колхозлар клубларида театрлардан парчалар кўрсатдик. Бадиий ўқиш кечалари, миниатюра давраларини ташкил этдик. Айниқса, сатира кечалари, кулги оқшомлари дала меҳнаткашларига манзур бўлди. Ижодий коллективимиз қайси хўжаликда бўлмасин, меҳнаткашларнинг Наима Пўлатова, Суръат Пўлатов каби республикада хизмат кўрсатган артистларга, театрнинг етакчи солисти Райҳон Тўраева, Дилором Сафиева, Рашида Азимова, Турсун Бекназаров, Ҳаким Носировларга бўлган чексиз миннатдорчиликларини ҳис этиб турди. Мана шу тадбирларнинг ҳаммаси санъат ва меҳнатнинг доимий ҳамкорлиги самарасидир. Бизга бундай кечаларни уюштиришга область касаба союзлари совети яқиндан ёрдам бермоқда.

Биз 1981 йилда конкурс ғолиби бўлганмиз ҳамда область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети томонидан ишни яхши ташкил этган оталиқ ташкилоти сифатида кўчма Қизил байроқ билан тақдирланганмиз. Ана шу мукофот бизни доимо руҳлантириб келяпти. Меҳнат кишиларидан хизматимизни ҳеч қачон аямаймиз.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театрининг директори.

МАМНУН БЎЛИШМОҚДА

Кейинги йиллар мобайнида областимизда қишлоқ дунёқарашининг ўсишидаги муҳим омиллардан бири бўлган кино хизматини яхшилашга эътибор қучайди. Партиямизнинг бу борадаги қарорларини сидқидилдан бажараётган қишлоқ хўжалик ходимлари область касаба союз комитетининг кинохизматчилари 1982 йилнинг ўзида бир ярим миллиондан ортиқ томошабинга 35 мингдан кўпроқ кўрсатувни намойиш этишди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида эса бу тармоқ совхозларнинг клублари, маданият саройлари 1.177 минг кишини ўз бағрига олди.

Кино — дала меҳнаткашларини маънавий тарбияловчи воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Қишлоқ кишиларининг ғоявий жиҳатдан юксак, даврбоп, тарбиявий кучи таъсирчан фильмларга бўлган талаби тобора ортиб бораётир. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида улар мамлакатимизда ва чет элда яратилган 38 мингга яқин ана шундай киносеансларни томоша қилдилар.

Айниқса пахта йиғим-терим мавсумида кино хизматини ташкил этишга алоҳида эътибор берилаётир. Бу масъулиятли кампания олдидан автоклуб, кўчма кино-установкалар кўриги ўтказилди. Совхозлар касаба союз комитетларининг 65 стационар қурилмалари, 26 та ҳаракатдаги кино қурилмалари тажрибали киномеханиклар қўлига топширилди.

Шу кунларда улар қишлоқларда «Ҳосил — Ватан хирмонига» шиори остида қишлоқ хўжалиги фильмлари фестивалини ўтказишяпти. Меҳнатга коммунистик муносабатнинг 25 йиллигига бағишланган кинокўрсатувлар ҳам сермазмун бўлди. Маълум бир касбдаги группаларнинг ўз ишларига хос кинобуюртмалари ҳам ҳар йилгидан кўпайди.

Область далаларида меҳнат жўш урмоқда. Ҳосилнинг сўнгги мисқолларигача йиғиб-териб олиш учун қурашаётган азамат меҳнаткашларнинг маданий дам олишини ташкил этиш ва бу билан меҳнат унумдорлигини оширишга область касаба союз комитетининг раиси.

КУЙНИ СЕВМАГАН КИМ БОР

ДАЛАДА бўлсин, дастгоҳ ёнидами ёки уйда дам олиш чоғларида ҳар ким куй, қўшиқ тинглаб, ҳордиқ чиқаришни истайди. Зероки, инсон қалби санъатга ҳамиша муштоқ. Шу жиҳатдан олганда маданият саройимиз коллективининг пахта далаларида бўлиши қишиларга катта қувонч бағишламоқда. Улар Ўзбекистон металлургия заводи Маданият саройи бадиий ҳаваскорларини доимо мамнунлик билан кутиб олишади.

Биз бу йил пахтакорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ўзбек қўшиқ ва рақс ансамбли, «Силуэт» вокал-чолғу ансамбли ҳамда «Садо» деб номланган ҳаракатдаги дискотекани ташкил этдик. Программамиз ранг-баранг. Кўпроқ кўргазмали агитациялардан ҳам фойдаланяпмиз. Бригадамизда пластинкалар чиқаришга эътибор кучайтирилган. Бундай кўргазмалар дала меҳнаткашларини партия ҳамда ҳукуматимиз режалари билан таништиришда муҳим роль ўйнамоқда. Терим илғорларига бағишланган чақмоқлар, пешқадамлар суратлари ёпиштирилган деворий газеталар меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бераётир. Ишимиздаги бу йилги янгилик радио газетанинг ташкил этилиши бўлди. «Шоншуҳрат меҳнатга яраша» радиогазетаси ҳар уч кунда маданият саройи майдонида теримчилар колоннаси тўпланган айни бир пайтда ўқилади. Радиогазетанинг саҳифаларида бу йилги йиғим-терим мавсумининг ўзгача масъулияти, терим илғорлари, меҳнат интизомини бузган кишилар ҳақида ҳикоя қилинади.

Фаолиятимизда асосий ўринни концертлар намойиши эгаллаган. Агитколлективлар ўзларининг хизмат кўрсатиш графикларига тўла риоя этмоқдалар. Улар бу йил 65 марта концерт кўрсатишди. Кўпинча қўшиқ ва куйларни илғорлар шаънига илиқ сўзлар айтиш ва «Бу қўшиқларимиз сизга бағишланади» деган гаплар билан бошлаймиз.

Айниқса, шу бу йил «Ҳосил—83»нинг гвардиячилари сизларга» деган кечамиз мароқли ўтди. «Авангард» совхозининг дала шийпонларидан бирида уюштирилган бу тадбирда «Ватанимни мадҳ этамиз» мавзуидаги қўшиқлар янгради. Кечада механизаторлар, теримчилар, кекса ота-оналар ҳам иштирок этишди. Биз энг яхши қўшиқларни шу куни механизаторларга бағишладик. «Садо» дискотекаси эса ранг-баранглиги билан ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Йиғим-терим мавсумида кутубхоначиларимиз, ўзимиз ташкил этган лекторлик группаси, кўчма кино қурилмалари киномеханиклари ҳам муносиб ишлашмоқда. Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, металлургларнинг маданият саройининг бадиий раҳбари А. Ковтун, оммавий-маданий бўлим мудири Р. Горлов, ўзбек халқ қўшиқлари ва рақс ансамблининг раҳбари А. Саматов ҳамда бошқа маданий хизмат ходимларининг жонкуярлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шунингдек ўз қўшиқлари билан пахтакорларни ҳушнуд этаётган электр пайвандчи Асан Ибрагимов, слесарь-энергетик Сеитвели Ибрагимов, ҳайдовчи Николай Цой, сайқалловчи Эътибор Шодиева, студент Ғани Турсуновлардан ҳам пахтакорлар миннатдор.

И. ЖОНГИРОВ,
Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводи маданият саройининг директори.



● ПИСКЕНТ район маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ва кўчма кутубхоналаридан иборат агитбригада хизматидан пахтакорлар мамнун. Суратда: агитбригада коллективи далада.

В. Портнов фотолари.

РАҲМАТ АЙТИШДИ

РЕСПУБЛИКА театр жамиятининг актёрлар уйи ташкил этган санъаткорлардан иборат бригада Оққўрғон районининг С. Сегизбоев номли совхозида бўлди.

Дала меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР халқ артисти Клара Юсупова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Наима Пўлатова, Дилбар Фаёзова, шунингдек, Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик Катта театри ҳамда Муқимий номли ўзбек давлат музикали театрининг солистлари ва ўзбек халқ чолғу ансамбллари-ни хушнудлик билан кутиб олдилар.

— Мароқли концертингиз учун катта раҳмат, — деди совхознинг илғор бригада бошлиғи Юсупжон Ниёзов санъаткорларга, — куй ва қўшиқларингиз, рақсларингиз бизни янги зафарлар сари руҳлантиради.

Гектаридан 40 центнердан ҳосил олган бригада аъзолари мавсум охиригача бу кўрсаткични яна 5 центнерга оширишга аҳд қилишди.

С. ВАЛИЕВ.

КИТОБХОНЛИК КЕЧАЛАРИ

«ТОШКЕНТ трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимизда пахтачиликка мўлжалланган тракторлар тайёрлашда ягона корхона ҳисобланади. Йиғим-терим авжига чиққан ҳозирги мавсумда тракторсозлар фақатгина маҳсулотлар етиштириб берибгина қолмасдан ўзлари ҳам Ғалаба районининг пахтазорларида меҳнат қилишяпти. Биз дала мирикорларига маънавий озуқа бериш, маданий хизмат кўрсатиш бўйича ҳам катта тадбирлар белгиланганмиз. Корхонамиз қошидаги маданият саройи ижодий коллективи бир неча бор пахтакорлар хизматида бўлди. Бу йил эса концертлар билан биргаликда деҳқонлар орасида китоб пропагандасини кенг йўлга қўя олдик. Барча дала шийпонларини китоб, газета ва журналлар билан таъминладик. Деҳқоннинг иккинчи уйи деб ном олган бу жойларни чиройли қилиб безадик. Шийпонларда ўтган «Пахта даласи — жасорат майдони», «Совет адабиётида ишчи синфи образи», «Даврни ортда қолдираётган кишилар», «Бутун иш вақти — ҳалол меҳнатга», «Авлодимизнинг меҳнатдаги шон-шуҳрати», «Советлар мамлакатининг комсомоли» мавзуида ўтган китобхонлик кечалари сермазмун бўлди.

Кутубхонамиз ходимлари ВЛКСМ 65 йиллигига бағишлаб ҳам мароқли давра ўтказдилар. Бунда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати деган шарафли унвонга сазовор бўлган ёзувчилар, шоирлар иштирок этишди. Ходимларимиз ҳамон пахта далаларида. Улар кечалар уюштириш билан биргаликда ўзлари ҳам йиғим-теримда иштирок этишяпти. Биз бугун ҳақли равишда ўзимизни ҳам китобхон, ҳам пахтакор дея оламиз.

А. МАРТИНЕНКО,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг кутубхона бўлими мудири.

Саҳифани область касаба союзлари Совети маданий-оммавий бўлимининг масъул ходими Шавкат ҚОСИМОВ ва «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Саидвали ҲАСАНОВ тайёрладилар.

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ

Республика ҳарбий комиссариатининг Тошкент область ҳақирилув пунктида... Минбар қаршисида мўйлаблари энгигина сабза урган, боқишлари жиддий йигитлар саф тортишган. Бир неча дақиқадан сўнг бу ерда Тошкент шаҳри ва пойтахт области йигитларини ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган анъанавий митинг бошланади. Биз фурсатдан фойдаланиб, республика ҳарбий комиссариати сиёсий бўлими пропагандисти Баҳром Очиловни суҳбатга тортдик:

— Ҳар бир ёшнинг шонли Совет Армиясидаги шарафли йўли мана шу ердан бошланади, — дейди у. — Олдимизда турган вазифа уларни ўз бурчларини бажаришга фақатгина жисмоний эмас айни вақтда сиёсий жиҳатдан ҳам тайёрлашдир.

Шу мақсадда область ҳарбий комиссариати қошида иккита агитпункт ташкил этилган. Уларда актив жамоатчи пропагандистларимиз турли мавзуларда суҳбатлар, лекциялар, кинофильмлар кўриги ва бошқа тадбирлар ташкил этмоқдалар. Чақирилувчилар область «Билим» жамияти лекторлари ва Улуғ Ватан уруши ветеранларидан Бобожон Мадраҳимов, Қиём Бақоев, Борис Либерзон, Баҳодир Шукуровларнинг турли мавзулардаги суҳбатларидан катта таассуротлар оляптилар. Биз ташкил этган «Сенинг шарафли бурчинг», «Ҳарбий қасамёд ҳақида», «Совет Армияси жангчисининг ҳуқуқи ва бурчи» деб номланган тематик суҳбатлар айниқса самарали ва мазмунли бўляпти.

Шунингдек, Тошкентдаги округ офицерлар уйида «Бўлажак жангчилар университети» мавжуд. Тинглovчиларимиз университет машғулотларида, турли экскурсияларда иштирок этяптилар. Чунончи, бир гуруҳ йигитлар Туркистон ҳарбий округининг «Шон-шуҳрат» музейида, Ленин номидаги Тошкент умумқўшин ҳарбий билим юртида бўлиб қайтдилар.

...Оркестр садолари янграб, митинг бошланганидан дарак берди. Митингни Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарининг ўринбосари, полковник Т. Аҳмадхўжаев очади.

Ҳарбий комиссарнинг даъваткор сўзларини диққат билан тинглаётган йигитларни

ЧАҚИРУВ ПУНКТИДАН РЕПОРТАЖ

кузатамиз. Уларнинг кўзларидан она-Ватанга муҳаббат, тинчликка садоқат, фахр ва ифтихор туйғуларини уқиб олиш қийин эмас.

— Қадрли фарзандларимиз, — дея ота-оналар номидан чақирилувчиларга мурожаат қилди Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз бригада бошлиғи, Ленин ордени нишондори Хотам Шодиев. — Бугун сиз билан вақтинча бўлса ҳам ҳайрлашиш оғир. Лекин болалик йилларингиз шунчалик тез ўтиб, йигит бўлиб, халқ учун керакли инсон бўлиб етишганингизни кўриб қалбимизни чексиз фахрланиш туйғуси қамраб олди. Тез кунда қоматингизга, бахтли чеҳрангизга жуда яраших тушадиган ҳарбий форма киясизлар. Ўйлаймизки, сиз солдат номини оқлаб, қасамёд қилиб, шунга яраша аъло даражада ҳарбий хизматни ўтаб, бағримизга соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтасизлар.

Улуғ Ватан уруши ветеранлари номидан бўлғуси Ватан ҳимоячиларига А. Куропаткин мурожаат қилди:

— Мен ва тенгдошларимнинг йигитлик даврлари оғир йилларга тўғри келди. Оловли жангларда муқаддас тупроқни душмандан ҳимоя қилдик ва ғалаба қозондик. Энди эса тинчликни, осойишталикни сабот ва матонат билан ҳимоя қила олиш зарур. Бу масъулиятли вазифа сизларга ишониб топширилмоқда...

Чақирилувчилар номидан сўз олган янгийўллик нонвой йигит Ў. Абилов сўзларни беихтиёр барчани тўлқинлантириб юборди:

— Бугунги кун, тантанали йиғилиш, унда ота-оналаримиз, уруш ветеранларининг берган йўл-йўриқлари ҳар биримизнинг ёдимизда узоқ сақланиб қолади. Яқинда биз солдатлик бурчимизни ўтай бошлаймиз. Сизлар эса хотиржам бўлинг. Боболаримиз, оталаримиз, акаларимизнинг жанговар анъаналарини шараф билан, давом эттирамиз. Совет жангчиси деган шарафли номни улуғлаймиз.

Ҳарбий оркестрнинг жанговар садолари баралла янграйди. Саф тортган йигитлар командага монанд дадил қадам ташладилар. Чақирилувчиларни кузатувчилар уларга оқ йўл тилашди.

А. НОСИРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● **ШАХМАТ.** Шу кунларда шахмат мухлисларининг диққат-эътибори Лондон шаҳрига қаратилган. Бу ерда жаҳон чемпионлигига даъвогарларнинг ярим финал ўйинларн давом этмоқда. Смислов—Рибли ўртасидаги кечиктирилган биринчи учрашув 61-юришда совет шахматчисининг ғалабаси билан тугади. Биринчи учрашувда мағлубиятга учраган Г. Каспаров иккинчи ўйинда В. Корчнойга қаршн қора доналар сурди. Бу учрашув 31-юришда дуранг натижа билан тугади.

● **ФУТБОЛ.** Москванинг «Спартак» командаси УЕФА кубоги учун Голландиянинг «Спарта» клуби билан навбатдаги босқич учрашувини ўтказди. Бу ўйин 1:1 ҳисобида якунланди. Командаларнинг такрорнй учрашуви икки ҳафтадан сўнг Тбилиси шаҳрида ўтказилади.

СССР Олимпия терма командаси Туниса мамлакат чемпионатида пешқадамлик қилаётган «Клюб Африкэн» командаси билан учрашиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. СССР командаси составида пахтакорчи Денисов ҳам иштирок этди.

● **ХОККЕЙ.** СССР чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган Тошкентнинг «Бинокор» командаси навбатдаги турда Қозоннинг Урицкий номли спорт клуби хоккейчиларини қабул қилди. Биринчи учрашувда майдон эгаларн 2:4 ҳисобида имконнятни бой бердилар. Кеча такрорнй учрашув бўлиб ўтди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, слесарь-электромонтажчи, токарь-револьверчи, фрезерчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори ва слесарь-сантехник, газ пайвандчи, слесарь-асбобсоз, дурадгор, ОТК контролёри, автослесарь.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ,

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгалланган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Зарур бўлганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини тугатганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишлаш учун юбориладилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделизм, бадиий ўқиш, фото-киностудия тўгараклари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (286-формадаги медицина справкаси), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см. 4 дона 4х5 см. ҳажмидаги фотосуратлар, характеристика, таржимаи ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй. (21, 30, 8, 348, 80, 72-автобусларнинг «Валихонов кўчаси» (3, 23-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси» бекатлари). Телефон 96-58-20.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ҳурматли редакция!

Шу йил 1 ноябрдан бошлаб болали аёлларга давлат ёрдами кўрсатишни кучайтириш ҳақидаги қарор кучга кирди. Шу қарор бўйича бир йўла тўланадиган давлат нафақаси ҳамма аёлларга тўланадими? Нафақанинг миқдори қанча? Шуни газета орқали шарҳлаб берсангиз.

М. ЭРГАШЕВА,
Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан болали оналарга давлат ёрдами кўрсатишни кучайтиришнинг чора-тадбирлари ҳақидаги қарорига асосан шу йилнинг 1 ноябридан бошлаб уч фарзанд туққан оналарга нафақа тўлаш миқдори кўпайтирилди. Бундай нафақа болага қараб туриш учун у 1 ёшга тўлгунича берилади.

1. Бир йўла бериладиган нафақа қуйидагича белгиланади:

а) биринчи фарзанд туғилишида 50 сўм;

б) иккинчи ва учинчи бола, шунингдек эгизак болалар туғилганида ҳар бирига 100 сўмдан.

Ишламайдиган аёлларга биринчи, иккинчи ва учинчи бола туғилганида 30 сўмдан. Бундай нафақа боланинг отаси ишлайдиган жойдан берилади.

Ушбу нафақани олиш учун боланинг ота-онаси маҳаллий комитет ёки ишчилар комитетига тегишли ҳужжатларни топшириши керак.

Кўрсатилган ҳужжатларга асосан социал страхованиеси бўйича комиссия нафақа олиш ҳуқуқини, нафақанинг миқдорини аниқлайди ва ЗАГС томонидан бериладиган справканинг орқа томонига нафақа белгиланганлиги ёзиб қўяди. Ҳужжатлар муассаса, ташкилот, корхонанинг ҳисоб-китоб бўлимига топширилади ва шу куннинг ўзидаёқ белгиланган нафақа тўланади.

2. Бола бир ёшга тўлгунига қадар бериладиган нафақа ишлаётган иш стажи бир йилдан кам бўлмаган оналарга, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ПТУ, аспирантура, клиник ординатура, малакани ошириш курси ва мактаблари, малакани ўзгартириш ва кадрлар тайёрлаш бўлимларида ўқиётган оналар иш стажидан қатъий назар, нафақа берилади.

Нафақа тайинлаш учун маҳаллий комитет ёки социал страхование комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:

а) болага қараб туриш отпускаси берилиши ҳақида маъмурият буйруғининг нусҳаси, кадрлар бўлими томонидан иш стажининг қанчалигини кўрсатувчи белги жавобгар шахс томонидан қўйилади (муҳр босилган бўлиши шарт):

б) боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси.

Ушбу ҳужжатларга биноан социал страхование комиссияси отпуска учун кўрсатилган, лекин бола бир ёшдан ошмаган муддатга нафақа тайинлаш учун қарор қабул қилади.

Оналарга тўланадиган нафақаларнинг барчаси социал страхование ҳисобидан берилади.

А. ҲАСАНОВ,
юрист.



СУРАТДА: болгар бадиий ҳаваскорларининг «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг закиллари билан учрашувн пайтн. Трактор-созлар номидан меҳ-монларни (марказда чапдан ўнгга) пайвандловчи Александр Андрюшин, дурадгорлар бригадасининг бошлиғи Абубакир Абдуқодиров ва созловчи Медет Исломовлар қутламоқдалар.

А. Мальцев фотоси.

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО

САҲНАДА БОЛГАР ДЎСТЛАРИМИЗ

БОЛГАРИЯ Халқ Республикаси Хасково округининг бадиий ҳаваскорлик коллективи ва вокаль-эстрада группаси областимиз меҳнаткашларини ўз халқларининг рақс ва хор санъати, республикаларида маданиятни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар билан таништирмоқдалар.

Кеча хасковолик санъаткорларни металлург ва химиклар шаҳри — Олмалиқ меҳнаткашлари самимий кутиб олдилар. Маълумки, Олмалиқ шаҳри ва округ меҳнаткашлари ўртасида ҳар тарафлама дўстона ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу алоқалар йилдан-йилга ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда, улар олмалиқликларга ҳам, хасковоликларга ҳам катта самара келтиряпти. Бу галги учрашув ҳам совет-болгар дўстлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Меҳмонлар Олмалиқ конметаллургия комбинатида бўлдилар, корхона цехларини кўздан кечирдилар, санаторий ва профилакторий, кутубхона ишн билан танишдилар. Шундан сўнг улар металлургларг маданият саройида концерт қўйиб беришди.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ЖИЛОВЛАНСИН!

● НЬЮ-ЙОРК, 22 ноябрь. (ТАСС). Ғарбий Германиянинг «Яшиллар» партияси раҳбари П. Келли хоним Америка телевидениеси орқали сўзга чиқиб, Европадаги бошқа мамлакатлар сингари ГФР аҳолисининг кўпчилиги қитъада Америкаларнинг ўртача олисликка учириладиган янги ракеталари, шунингдек бошқа ядровий, химиявий ёки ҳар қандай оммавий қирғин қуролининг жойлаштирилишига қарши чиқмоқда деди. Шу нарсадан, деб таъкидлади у, Европада хатарли муҳолифликка чек қўйилиши кераклиги аниқравшан бўлиб қолмоқда. Шусиз ҳам кескин вазиятни янада авж олдириш мумкин эмас. Инсониятнинг асосий душмани — ядро қуролининг ўзи эканлигини тушуниб етадиган пайт келди. Бу қуролнинг тўпланиб қолган запаслари ер юзидаги ҳаётни ўн марталаб йўқ қилиб ташлаш учун етарлидир.

П. Келли хоним агар НАТО Европада «Першинг-2» ракеталарини ва қанотли ракеталарни жойлаштиришдан воз кечса, ўзининг ўртача олисликка учириладиган ядровий кучларини қисқартиришга тайёр эканлигини изҳор қилган Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари қимматли эканлигини эътироф этган бўлар эди, деди. Қўшма Штатлар, деди у, Европада қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган дадил ва ғоят муҳим қадам бўлган совет таклифини қабул қилиши керак эди. АҚШ бунинг ўрнига, деди «Яшиллар» партиясининг раҳбари, Европа қитъасида ўзининг биринчи зарба берувчи ракеталарини жойлаштиришга киришди. Шубҳа йўққи, Совет Иттифоқи жавоб тадбирини кўради.

ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

● ҲАНОЙ. ВСР денгиз ови ишчилари экспорт маҳсулотлар етиштириш йиллик топшириғини муддатидан икки ой илгари бажарди. Вьетнамдаги энг оммавий тансиқ таомлардан бири — янги музлатилган креветканинг ўзидан чет эллик истеъмолчиларга бултургидан 75 процент кўп юборилди.

Бу муваффақиятлар давлат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган катта кўламдаги тадбирлар комплексининг қонуний натижасидир.

(ТАСС, 23 ноябрь).

ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

● ЖЕНЕВА, 23 ноябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги музокараларда СССР ва АҚШ делегацияларнинг ялпи мажлиси бўлди. Мажлис чоғида СССР делегацияси музокараларнинг ҳозирги даврасн уни яна бошлашнинг бирон бир муддатини белгиламасдан тўхтатилагини айтди.

«ЯНКИЛАР, ГРЕНАДАДАН ЖЎНАБ ҚОЛИНГИЗ!»

«Янкилар, Гренададан жўнаб қолингиз!», «Марказий Америкадан ва Кариб ҳавзасидан қўлингни торт!» — дунёда мана шундай шиорлар остида Вашингтоннинг ҳукмронлик йўлига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда. Жаҳон жамоатчилиги АҚШнинг Гренададаги интервенциясини лаънатламоқда, Рейган маъмурнятн Никарагуага, Сальвадор ватанпарварларига, социалистик Кубага нисбатан дўқ-пўпнсаларни тўхтатишини талаб қилмоқда.

● БОГОТА. Колумбияда чиқадиган «Восс» газетаси ёзади: АҚШнинг Гренадага бостириб кирганлиги АҚШ одатдагидек «кучни намойиш қилиш» ва дўқ-пўписалардан ўзига номақбул бўлган ҳукуматларга қарши бевосита агрессия ҳуружларига ўтганлигини кўрсатди. Рейган маъмурнятн, деб уқтиради газета, Марказий Америкада кескинликни янада кўпроқ кучайтириш учун ҳамма ишни қилмоқда. Вашингтон ҳарбий тайёргарликлар билан бир вақтда ёлғон ва туҳматдан иборат шовқин-суронли кампанияни давом эттирмоқда, бу кампанияда ўзига номақбул бўлган ҳукуматларга қарши бевосита агрессия ҳуружларига ўтганлигини кўрсатди. Рейган маъмурнятнинг ташқи сиёсий йўлида, деб ёзади Боливиянинг «Меридиано» газетаси, иғвогарликларга ва можароларни авж олдиришга интилиш яққол кўриниб турибди. Рейган ва унинг «командаси», деб таъкидлайди газета, зўравонликни, агрессия ва терроризмни расмий сиёсат даражасига олиб чиқди.

● ВЕНА. Рейганнинг «АҚШ хавфсизлиги зоналари» тўғрисидаги гаплари Гитлернинг «ҳаёт макони» назариясини тобора кўпроқ эслатмоқда. Рейган ана шундай зоналарни ер курраснинг ҳамма томонларида кўрсатмоқда, деб ёзади Австриядаги «Фольксштимме» газетаси. Оқ уйнинг ҳозирги хўжайини бутун-бутун халқларнинг тақдирини назар-писанд қилмаётганлигида, у ўзининг дунёни «қайта қуриш» ва коммунизм «иллати»ни таг-томири билан тугатиш каби режаларида жаҳон уруши ғоясини телбаларча ва андишасизларча олға сураётганлигида ҳам ўхшашлик кўриниб турибди.

● АНТАНАНАРИВУ. Малагасиянинг «Имунгу вауваў» газетаси АҚШнинг босқинчи қўшинлари Гренада территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилди. Гренада мисоли шуни кўрсатмоқдаки, деб ёзади газета, халқаро империализм эксплуатация ва адолатсизликни тугатишга интилаётган мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашиш учун ҳар қандай баҳонадан фойдаланмоқда.

(ТАСС, 23 ноябрь).

«ЖИЛМАЙИНГ, КЎНГИЛ ОЧИНГ»

Жисмоний машқларнинг фойдаси тўғрисида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Лекин яқин пайтларгача французларнн жисмоний тарбиянинг унчалик ҳам кучли ихлосмандлари деб бўлмас эди. Францияда профессионал спортчилардан ташқари жуда кам озчилик уйда ёки ишда жисмоний машқлар билан шуғулланарди. Ҳолбуки кўпгина мамлакатларда бунга катта эътибор берилади. Аммо ҳозир аҳвол ўзгарди.

Гап нимада дейсизми? Калифорниядан спорт шамоли эса бошлади. Таниқли америкалик актриса Жейн Фонда янги рақсни, аниқроқ айтадиган бўлсак, гимнастика ва рақсдан иборат бўлган машқларни кенг ёйишга муваффақ бўляпти. Бу машқлар «аэробика» ёки «жим-тоник» деб аталади. Натижада ҳар якшанба куни эрталаб соат 10 да 2 миллион француз телевизорлари қаршисидан кетмайди. Улар бу вақтда «Антенн-2» иккинчи программаси орқали бериладиган бардамлик бағишловчи машқларнинг навбатдагисини томоша қиладилар.

Аввал раққосалик қилган иккита гўзал француз аёли— Вероник ва Давина «диско» музикаси жўрлигида тобора тезлашиб борадиган машқларни чаққон бажарадилар. Анъанавий «бир, икки, уч» ўрнига «жилмайинг, бўшашинг, кўнгил очинг» сўзлари эшитилиб туради. Бу томоша французларга жуда маъқул тушмоқда. Ҳар куни Париждаги 20 та залда соат 9 дан 20 гача йигирматадан, қирқтадан, ҳатто элликтадан киши ярим соатдан бир соатгача «жим-тоник» билан шуғулланади.

Парижликлар айниқса, қизлар ва аёлларнинг бу янги қизиқишларини қандай изоҳлаш мумкин? Кўпчилик оддий гимнастика зерикарли деб ҳисоблайди. Машқларни деярли рақсга тушгандек бажариш анча қизиқарлидир. Бундан завқланар экансан, чарчаганингни ҳам ёдингдан чиқарасан.

Гимнастика ва рақсдан иборат бу машқлар жозибали бўлса-да, врачлар ва мутахассислар «аэробика» билан шуғулланувчилар устидан медицина назорати йўқлигидан ташвишланмоқдалар. Ҳозир хоҳлаган коммерсант спорт зали очиши ва у ерда «жим-тоник» машқларини бошлаб юбориши мумкин. Бунинг учун у Франция спорт федерациясида етти кунлик стажировкадан ўтса кифоя.

Қонун бўйича спортнинг ҳар бир янги тури учун расмий ижозат олиниши керак. Францияннг ёшлар ва спорт ишлари бўйича министрлиги «аэробика» курсларини очишни истаганлар учун махсус диплом жорий қилишни режаламоқда. Уни олиш учун махсус курсларда бир йил шуғулланиш керак. Ҳозирча эса Калифорнияда туғилган бу янгилик дастлабки фожиани келтириб чиқарди: юраги ҳаста бўлган ёш француз аёли «Антенн-2» томонидан берилаётган машқлар билан жуда ҳам қизиқиб кетганлиги сабабли вафот этди.

Бизнес бизнеслигини қилади. Париждаги бойлар яшайдиган кварталларда янги гимнастика заллари очилмоқда. Бунинг учун ремонт қилинган ва ёрқин бўёқларга бўялган эски гараж ёки омбордан ҳам фойдаланиляпти. Улар ёнида ҳаммом, парҳезли таомлар тайёрланадиган ресторан, массаж кабинети қурилади-да, «спорт комплекси» тайёр бўлади.

Телевидение туфайли мамлакатда йилига 1500—3000 франк тўлаб, бу модага амал қилишни хоҳловчилар кўплаб топилмоқда. Гимнастика заллариде оддий кишиларнн учрата олмайсиз. Машқ билан шуғулланувчилар юқори мартабали амалдорлар, коммерсантлар, адвокатлар ва артистлар, шу кабилардан иборат. Бу мижозларнинг маоши ишчиникига қараганда икки баравар ортиқдир. Калифорниядан эсаётган шабада фақатгина ана шу зодагонларни силаб-сийпамоқда.

Анри ЗАЙДМАН,
француз журналисти.
(АПН).
Париж.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 —«Время». 9.40— «Халқ ижодиёти». 10.25 — «Душман уясида». Бадиий фильм. 11.40 — Ҳужжатли фильм. 12.10— Концерт. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — «Рус тили». 16.55 — «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига». 17.25 — Мактаб ўқувчилари билан учрашув. 18.10 — Концерт. 18.30 —Мультфильм. 18.45 — «Ҳамдўстлик». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Коллектив нимага қодир». 20.00 — Концерт. 20.10 — Экранда—кинокомедия. 21.30—«Время». 22.05 — Фигурали учиш. 22.50 — «Дунё воқеалари». 23.05 — «Қаҳрабо қирғоқ тароналари».

МТ-II. 9.00— Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 13.40 — Инглиз тили. 11.05 — «Ерга садоқат». 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — Г. Абашидзе поэзияси. 13.10 — География. 14.10 —Тележурнал. 14.55 — Хўжалик бошқариш мактаби. 15.25 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 16.25 ва 18.30 — Мультфильмлар. 18.25 — «Саёҳатчилар клуби». 19.45 — Бал рақслари. 20.20 — «Тошкент лавҳалари». 20.30— «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Ўсимликлар дунёси». 21.30 — «Время». 22.05 —«Оилавий иш». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 23.10 — Хоккей. АСК — «Спартак».

ЎзТВ-I. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — «Светофор». 12.40 — «Телефильм». 17.55 — Мультфильмлар. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.50 — Киноочерк. 19.10 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Симпозиум ҳақида. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Симпозиум ҳақида (давоми). 21.30 — «Время». 22.05 — «Дунё воқеалари». 22.35 — «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 1-серия. 24.00 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.30 — МТ-II. 18.05 — «Ёшлик». 18.35 — Телефильмлар. 19.05 — «Авлодлар биографияси». 19.30 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Фильм-концерт. 21.15 — Телефильм. 21.30 — МТ-II.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Икки дил достони**, 26/XI да **Петр I**, 27/XI да **Жизель** (12.00), **Суронли кунлар** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Олтин девор**, 26/XI да **Юлдузли тунлар**, 27/XI да **Келинлар қўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/XI да **Тошкентликлар** (15.00, 19.30), 26/XI да **Мангулик** (14.00, 19.30), 27/XI да **Мангулик** (12.00 ва 19.30).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02315. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1722. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12